

Ибн Ҳайётнинг кўчада дарс қилиши ва чуқурга йиқилиб тушиши



17:05 / 11.12.2019 1862

Абу Ҳилол Аскарий «Алҳассу ала толабил илм вал ижтиҳади фи жамъиҳи» номли китобида қуйидагиларни айтган: «Наҳв олими Абу Бакр ибн Ҳайёт – Имом Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мансур туғилган жойлари эътиборидан Самарқандий, яшаб қолган жойлари эътиборидан Бағдодий бўлиб, ҳижрий 320 йилда вафот этган. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Бу зот ҳамма вақт, ҳатто кўчада ҳам дарс билан машғул бўларди. Шунга кўра кўпинча чуқурларга йиқилиб тушар, ё уловлар туртиб кетарди».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан